

ИНКЛЮЗИВ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ АМАЛДА



Кундузой Нуримова,
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси
Маълумотнома-
ахборот хизматлари
кўрсатиш хизмати
раҳбари

Миллий кутубхонада 2012 йилдан бошлаб жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилар учун ихтисослаштирилган ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди. Имконияти чекланган фойдаланувчилар уч хил йирик тоифага бўлинади: жисмоний имконияти чекланганлар махсус аравачалар ёки бирор буюм ёрдамида ҳаракатланувчилар, яхши кўролмайдиган ёки умуман кўролмайдиганлар, яхши эшитмайдиган ёки умуман эшитмайдиганлар. Шу уч хил тоифадаги имконияти чекланган фойдаланувчилар учун ихтисослаштирилган ахборот-кутубхона хизмати амалга оширади. Ногиронлар аравачаларида ташриф буюрувчи фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида эшик остоналари текис ва равон қурилганлиги, юқори қаватларга чиқишлари учун кўтариш мосламаси ҳамда лифтларнинг кенг ва аравачада юривчилар учун қулай тарзда ўрнатилганлиги мисол бўлади. Бу ҳолат жисмоний имконияти

чекланган фойдаланувчиларнинг кутубхонага ташриф буюришларига бўлган қизиқишлари, янада ошишига сабаб бўлмоқда.

Қуришда нуқсонли бор кишиларнинг билим олишлари учун юқорида кўрсатилган имкониятлардан ташқари, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти «Санъат гулшани» маданият саройининг ҳамкорлик шартномаси асосида 578 нусхада махсус тифлоформат асосида ҳимояланган Мр3 форматидаги аудио китоблар келтирилган ва фойдаланиш учун аудиокиоск (аудиомаълумотларни тарқатувчи мослама) лар ва 8 та махсус компьютерларга жойлаштирилган. Энг кўп сўраладиган бўртма нуктали брайл нашрларни Республика кўзи ожизлар кутубхонаси фондидан китоб айирбошлаш йўли орқали вақтинча фойдаланиш учун келтирилган ва очик фондларга қўйилган. Ушбу китоблар фойдаланувчиларнинг талабларига асосан янгилари билан алмаштириб турилади. Ҳозирги кунда Брайл ёзувидаги китоблар жами 74 нусхани ташкил этиб, улардан 66 таси рус тилидаги бадиий ва мусиқага оид, 8 таси ўзбек тилидаги бадиий ҳамда компьютер технологияларига оид китоблар ҳисобланади. Улар учун 8 та ишчи компьютер ташкил этилган бўлиб, Брайл ёзувига мўлжалланган клавиатуралар, Jaws дастури ва ElecGeste DTBP-101 тифлофлешплеерлар билан жиҳозланган. Махсус принтер орқали фойдаланувчига бўртма нуктали ёзувдаги матн кўринишида маълумотларни чоп этиш орқали хизмат кўрсатади.

Интернет имкониятларининг кенгайиши, кутубхоналар корпоратив тармогининг ривожланиши ахборот-ресурсларнинг ахборот бериш ишини янада фаоллаштирмоқда. Фойдаланувчилар ўзларида мавжуд матнларни интернет тармоғи орқали масофадан туриб кутубхонанинг электрон почтасига жўнатишлари ва бу ерда махсус принтер ёрдамида



чоп этиришлари ҳам йўлга қўйилган. Бундан ташқари, кутубхонада жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилар учун интерактив усуллар орқали маълумот бериш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Жисмоний имконияти чекланган кишилар учун ҳукуматимиз томонидан қаратилаётган катта эътибор тўғрисида, ҳозирги даврда замонавий техниканинг қўлланилиши натижасида, электрон манбаларнинг қўлайлиги, электрон каталогларнинг ташкил этилиши, тўлиқ маълумотлар базаларининг шакллантирилиши, кўзи ожиз фойдаланувчилар учун аудио китоблар жуда ҳам қўлайлик яратилишини инобатга олиб, кутубхонамизда уларнинг сонини янада қўпайтириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Миллий кутубхонанинг бугунги кундаги жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилари сони 176 тани ташкил этади. Шулардан 19 нафари 2015 йил кутубхонага аъзо бўлиб, кутубхона фондларидан фойдаланмоқда. Уларнинг кутубхонага ташрифи вақтида фондлардан фойдаланишлариға қўлайлик яратиш мақсадида бирга келувчи ҳамроҳларини кутубхонага кириб чиқишлари учун махсус бейджиклар тайёрланиб, уларнинг ҳам кутубхона хизматларидан фойдаланишлари учун имкониятлар яратилди.

Жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчиларға ахборот-кутубхона хизматларини янада такомиллаштириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «Тараққиёт» Дастурининг «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий инновациялар ва кўнгилчилар» жамияти билан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ўртасида 2012 йил декабрь ойида меморандум қабул қилинган. Ушбу ўзаро ҳамкорлик доирасида бир қатор тренинг, ўқув семинарлари ва машғулотлари ташкил этилмоқда. Масалан 2013 йил ноябрь ойида «Жисмоний имконияти чекланган инсонларға хизмат кўрсатиш маданиятини такомиллаштириш» мавзусида Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг



бир гуруҳ мутахассислари учун 2 кунлик тренинг ташкил этилди. Тренингдан кўзланган мақсад умуминсоний қонун-қоидаларға, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар ва конституцион нормаларға таянган ҳолда, жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчиларға хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, кутубхона мутахассислари соҳавий билим ва кўникмаларини ошириш. Унда Миллий кутубхона мутахассис ва раҳбар ходимлари фаол иштирок этдилар.

Миллий кутубхонада тўрт ойлик Жест сўзлашув курслари (қар ва соқовлар билан гаплашиш) ташкил этилди. Ушбу ўқув курсида хизмат кўрсатиш мутахассисларидан 7 нафари ўқиб, ўз малакаларини оширдилар ва махсус сертификатларға эға бўлдилар. Бундан кўзланган асосий мақсад кутубхонаға ташриф буюрган жисмоний имконияти чекланган (қар ва соқовлар) фойдаланувчиларға ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш жараёнини тез ва сифатли бажаришди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчиларға хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш учун куйида келтирилган таклифларни амалға татбиқ этилса мақсадға мувофиқ бўлади:

- кутубхона мутахассислари Республикадаги мавжуд жисмоний имконияти чекланган ахборот-ресурс марказлари иш жараёнлари билан танишиш ва Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларининг кўзи ожизлар кутубхоналарида малака ошириш курсларида иштирок этиш ва амалиётға татбиқ этиш;

- жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига қараб Миллий кутубхона фондиди мажбурий

Ҳозирги кунда Брайл ёзувидаги китоблар жами 74 нухсани ташкил этиб, улардан 66 таси рус тилидаги бадий ва мусиқаға оид, 8 таси ўзбек тилидаги бадий ва компьютер технологияларига оид китоблар ҳисобланади





нухса орқали бўртма нуқтали брайл нашрлар билан бойитиш;

- яхши эшита олмайдиган фойдаланувчилар учун электрон каталогдан фойдаланиш йўриқномасининг сурдо таржимаси тайёрланиб, компьютерларга жойлаштириш;

- жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчилар учун автоматик равишда бошқариладиган махсус иш столи ва ўриндиқлар ажратилиши, яъни фойдаланувчига керакли баландлиқ танлаб олишга имконият яратиш.

Ҳар бир инсон учун ўқиш зарурий омил-

лардан биридир. Афсуски, кўзи ожиз китобхонлар учун оддий ҳолларда билим олиш, ўқиш, интилишларга имкониятлар бироз чекланган, лекин ҳозирги шиддат билан ривожланиб келаётган замонавий ахборот технологиялар асрида яратилаётган шароитлар, яъни «гапирувчи китоблар», аудио-видео ёзувлар жисмоний имконияти чекланган фойдаланувчиларга яратилаётган шароитлар туфайли кутубхоналарга бўлган интилишлари, билимга бўлган чанқоқликлари ортмоқда.

«Ногиронлар хуқуқлари тўғрисида» ги Конвенция 2006 йилда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган бўлиб, 2008 йил 3 майдан хуқуқий кучга кирган. Бу халқаро қонун ҳужжатиغا Ўзбекистон Республикаси 2009 йилда аъзо бўлган. Бугунги кунгача Конвенцияга дунёнинг 150 дан ортиқ давлати аъзо

Кундузой Нуримова, руководитель службы справочно-информационного обслуживания Национальной библиотеки Узбекистана

Сегодня во всем мире большое внимание уделяется совершенствованию доступа к информации для людей с ограниченными возможностями. На международном уровне принимаются документы, позволяющие создавать условия для чтения лицам с нарушениями зрения и слуха, а также создавать условия и без барьерную среду всем категориям людей с инвалидностью. Национальная библиотека Узбекистана ведет новое направление своей деятельности - улучшение доступа к информации и информационно-библиотечному обслуживанию пользователей библиотеки с ограниченными возможностями. Как известно, люди с ограниченными возможностями делятся на три большие категории: это лица с опорно-двигательными нарушениями, которые передвигаются с помощью каких-либо приспособлений или на колясках, слабо-видящие или слепые и слабо-слышащие или глухие. В библиотеке созданы условия для обслуживания этих трех категорий граждан.

Для слабовидящих или тотально слепых пользователей библиотеки созданы автоматизированные рабочие места, оснащенные тифлофлешплеерами ElecGeste DTBP-101, являющихся техническим средством реабилитации инвалидов по зрению и предназначенных для чтения «говорящих книг» в формате MP3 и специальном защищенном тифлоформате, записанных на флеш-картах форматов MMC (Multi Media Card), SD (Secure Digital Card) и SDHC (Secure Digital High Capacity), с помощью которых в читальных залах библиотеки можно прослушать аудиокниги, на восьми компьютерах библиотеки установлена программа JAWS, которая снабжена синтезатором речи, позволяющим переводить все символы с экрана компьютера в речевой вид; компьютеры также снабжены Брайлевской клавиатурой, позволяющей нашим пользователям самостоятельно набирать тексты на шрифте Брайля, также есть принтер, с помощью которого можно распечатывать набранный текст на шрифте Брайля. ■